Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 18-yanvar, payshanba 7 (8870)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 17 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят ҳокимлари, олий ўқув юртлари ректорлари, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Маълумки, шу йил 30 январь куни мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарори асосида юртимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов мақбара мажмуаси, Қарши шаҳрида эса Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ҳайкал бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, Ислом Каримовнинг ғоят серқирра ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш бўйича кўплаб маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан айни шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қанча илмий-оммабоп китоблар, жумладан, Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари нашр этилмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом Каримов хайрия жамоат фонди томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, март ойида Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказиш ва бошқа муҳим тадбирлар бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этишдек улуғ мақсадга бағишлади. Халқимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғлайди, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун ҳам бу тарихий санани ҳар томонлама юксак даражада ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва маънавиятимизни намоён этиши, айнан шунга қараб дунё жамоатчилиги бизга баҳо беришига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бундай қутлуғ саналар ўз тарихимиз, миллий ўзлигимизни англашга, халқимиз, айниқса, ёшларимизни эл-юртимизга бутун борлиғини бериб, фидойилик кўрсатиб яшаган улуғ инсонларнинг ибратли фаолиятига ҳар томонлама муносиб этиб, уларнинг эзгу фазилатлари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Йиғилишда Бош вазир, юбилей ташкилий қўмитасининг раиси А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев, Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев, Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, асосий юбилей тадбирларини юксак даражада ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юбилей кунларида барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, нуронийлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган учрашувларни мазмунли ва юқори савияда, таъсирчан руҳда, аниқ ҳаётий мисоллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча маросим ва тадбирларни Биринчи Президентимизнинг Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматларига ҳар томонлама муносиб ҳолда ўтказиш бизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир, деб таъкидлади пировардида давлатимиз раҳбари.

ЎзА

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 17 январь куни Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, йирик инфратузилма объектлари ва корхоналар барпо этиш жараёнига чет эл инвестициялари изчил жалб қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш бажариб келинганини танқид остига олди.

Илгари ушбу соҳа раҳбарлари юқори рақамлар ортидан қувиб, инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кўрсаткичларни ошириб кўрсатишни касб қилиб олган эди. Бунинг оқибатида ҳокимликлар ва тармоқ раҳбарлари ушбу "юк"ни бажариш учун молиялаштириш манбаси кафолатланмаган ва ташаббускори аниқ бўлмаган, ҳудудлар ва тармоқлар ривожланишига мос келмайдиган самарасиз лойиҳаларни Инвестиция дастурларига киритишга мажбур бўлар эди.

Масалан, 2012-2017 йиллар давомида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 3,3 миллиард АҚШ доллари бўлган 14 та лойиҳа инвестиция дастурларига киритилган. Кейинчалик уларнинг барчаси мақсадга мувофиқ эмас деб топилган ва ҳукумат қарорлари билан тўхтатилган. Энг ачинарлиси, мазкур лойиҳалар ҳужжатларини тайёрлашга 185 миллион АҚШ доллари сарфланган.

Инвестиция дастурларини шакллантириш ва лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш борасида ҳам қатор муаммолар бор. Бу жараён 15 йил аввал қабул қилинган қарорларда белгиланган мезон ва тартиблар асосида амалга ошириб келинган. Жумладан, лойиҳанинг техник иқтисодий асослари, бизнес режаси ва тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг ваколатли органлар билан такрор ва такрор келишилиши оқибатида унинг экспертизаси белгиланган 15 кун ўрнига 6 ойгача чўзилиш ҳолатларига кўп маротаба йўл қўйилган. Бу инвестиция лойиҳасининг қимматлашиши ва рентабеллиги пасайишига олиб келган.

Маълумки, инвестиция дастурларига иқтисодий асосланган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлган лойиҳалар киритилиши зарур. Лекин илгари бундай ҳужжатлар лойиҳа инвестиция дастурига киритилгандан сўнг тайёрлаб келинган. Оқибатда лойиҳанинг дастлабки нархи ва тасдиқланган қиймати ўртасида баъзи ҳолларда ҳатто 80 фоизгача тафовут юзага келган. Бу бюджет маблағлари сарфи асоссиз равишда ошиб кетишига сабаб бўлган.

Лойиҳалар пухта ҳисоб-китоб қилинмагани, уларни амалга оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида кўплаб корхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланган тижорат банклари ҳам катта зарарлар кўрган. Шу боис жорий йилдан бошлаб банкрот корхоналарни банклар балансига бериш амалиётига чек қўйилди.

Юзаки ўтказилган иқтисодий таҳлил оқибатида лойиҳалар фойдаланишга қабул қилинганидан кейин ҳам ўзини оқламаган – хомашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмай қолган.

Яна бир камчилик: ўз вақтида бажарилмагани ёки ижроси чала бўлгани учун айрим лойиҳалар йилдан йилга, дастурдан дастурга ўтиб келган. Масалан, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказини лаборатория билан жиҳозлаш лойиҳаси дастлаб 2015 йилда, кейинчалик 2016 ва 2017 йилларда инвестиция дастурларига такроран киритилган.

Президентимизнинг 2017 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарори юқоридаги каби таҳлиллар натижасида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, мамлакатимизда тармоқ ва ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни уч босқичда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда валюта сиёсатини либераллаштириш, реал бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда нархни шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5303-сон Фармонига мувофиқ мамлакатга озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айрим маҳсулот турлари импортининг монополлаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, оқибатда, бу асосда асоссиз фойда кўришга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, баъзи тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кўзланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, айрим маҳсулот ва хом ашё турлари тақчиллигининг юзага келишига, улар нархининг спекулятив ўсишига ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайишига олиб келмоқда. Хусусан:

биринчидан, айрим маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эмаслиги зарур захирани шакллантиришни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, бу эса спекулятив операцияларга, охир-оқибатда, талаб юқори маҳсулот ва хом ашёлар нархининг ўсишига олиб келмоқда;

иккинчидан, юқори ликвидли маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суиистеъмолчиликлар учун шарт-шароит яратмоқда;

(Давоми 2-саҳифада)

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

МАҲАЛЛАДА БИР КУН

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини аҳли тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Маҳалла кўчалари обод, сариштa. 1 минг 212 хўжалик, 4 минг 700 дан зиёд аҳоли яшаётган ҳудудда ўнлаб савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик цехлари фаолият юритмоқда.

– Ўтган йили ҳам ҳудуд фаровонлиги учун бир қатор ишларни амалга оширдик, – дейди маҳалла раиси Ғайрат Авазмуродов. – Хусусан, мактаб ва бошқа иншоотлар атрофига, кўча бўйларига 300 дан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 1,5 километрлик таъмирталаб йўлга шағал ётқизилди. Лотоклар ҳашар йўли билан лойқадан тозаланди. Ҳомийлар ва маҳалла фаоллари ёрдами билан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногирон фуқароларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалла фаоллари ҳар бир хонадонга кириб аҳолининг яшаш тарзини ўрганиш, томорқадан унумли фойдаланиш ва уни даромад манбаига айлантириш, хонадонларда касаначилик, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган тарғибот ишларини доимий йўлга қўйган. Бунинг натижасида одамлар мўъжазгина ҳовлисини гуллатиб, яшнатиб қўйибди. Кимдир ихчам иссиқхона қурган бўлса, кимдир уйида тикувчилик цехи очган. Бошқаси бетон ғишт ишлаб чиқармоқда. Айни пайтда маҳаллада 10 дан зиёд мана шундай тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Улардан бири "Мансуржон Ахрор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳрор Қодировдир.

– Фаолиятимизни 2008 йилда бошлаганмиз, – дейди Аҳрор ака. – Цехимизда асосан бетон ғишт ишлаб чиқарилади. 5 иш ўрни яратганмиз. Мавсум пайтида кунига 1,5 мингтагача бетон ғишт ишлаб чиқарилади. Ускуналаримиз бироз эски, шу боис энергия сарфи юқори. Яратилаётган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, энергия тежамкор замонавий технологиялар келтиришни режалаштирганмиз. Бу цехимиз фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

(Давоми 2-саҳифада)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига ташрифи чоғида Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Рақамли офис", фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, давлат хизматларини тақдим этиш бўйича тизимларни татбиқ қилиш ҳамда пойтахтимизда Сеул кўчасининг қурилиши билан яқиндан танишиш учун жанубий кореялик мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф этган эди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОШКЕНТДА «ВАЗИЯТЛАР МАРКАЗИ»НИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида 17 январь куни Сеул мэриясининг халқаро алоқалар бўлими вакили Жонг Мун Баик бошчилигидаги делегация Тошкентга келди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов билан учрашув чоғида меҳмонларга мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Корея Республикасининг ахборот-коммуникация технологияларини давлат секторида қўллашдаги тажрибаси асосида мамлакатимизда АКТ саноати стратегиялари ва технологик инфратузилмаларни яратиш ишлари жадал тараққий этаётгани қайд этилди.

2017 йил 3 июль куни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрганди. Сеул томони Ўзбекистон билан тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш тарафдори эканини таъкидлаб, Тошкент шаҳрини 2030 йилгача ривожлантириш режаларини юқори баҳолади. Бу борадаги ишларда Жанубий Корея шаҳарсозлик, транспорт, ахборот технологиялари, сервис ва бошқа соҳалардаги тажрибаси, ноу-хаулари билан қатнашиш истагини билдирган эди.

Тадбирда жанубий кореялик мутахассислар мамлакатимизда замонавий технологиялар асосида шаҳарни бошқариш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини ривожлантиришга доир самарали ёндашувлар бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

– Замонавий шаҳарсозлик илғор технологиялар, бошқарувга юқори самарали ахборот коммуникацияларини жорий этиш демакдир, – дейди Жонг Мун Баик. – Бу борада Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган салмоқли ишлар билан танишдик. Жумладан, автоматлаштирилган ахборот тизимининг мавжудлиги идора қилишдаги қатор қулайликларни яратади. Ташрифимиздан мақсад – Тошкент шаҳар ҳокимлиги фаолиятига АКТни кенг жорий қилиш орқали давлат хизматларини тақдим этиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашишдан иборат.

Сеул шаҳри делегацияси Тошкент шаҳар ҳокимлигида ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар, туманлардаги секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича инновацион тизим билан яқиндан танишди. Жанубий Корея пойтахтининг бу борадаги ютуқларига бағишланган тақдимот ўтказилди.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижасига кўра, жанубий кореялик мутахассислар Тошкент шаҳар ҳокими томонидан бошқариладиган "Вазиятлар маркази"ни ташкил этиш, интерактив давлат хизматларини янада ривожлантириш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича тизимни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Тараққиётни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Устувор вазифалар белгиланди.

«Qishloq hayoti»
2018-yil 18-yanvar, payshanba 7 (8870)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

учинчидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фаолиятини лицензиялашнинг мураккаб тартиб-таомиллари қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини импорт қилишда божхона божлари ставкасининг юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келишига ва нархларнинг асоссиз ўсишига шарт-шароит яратмоқда;

бешинчидан, энергия самарадор технологияларни жорий қилган корхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш муддатларининг чўзилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот, хом ашё ва материаллар турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги "Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3386-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб монополист корхоналар томонидан 27 номдаги юқори ликвидли маҳсулотларни фақат биржа савдоси орқали бозор тамойиллари асосида сотиш тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар биржа савдоларида реализация қилинади:

экстракцион бензин, мис катоди, мис катанкаси, иккиламчи алюминий, металл рух, чорва озуқаси учун буғдой – фақат туман (шаҳар) ҳокимликлари хулосасига мувофиқ уларни кейинчалик қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналарга;

техник чигит – фақат мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган ва ушбу уруғликни ишлаб чиқариш жойида жойлашган "Ўзпахтаёғ" АЖнинг ёғ-мой корхоналарига;

б) қуйидагилар, истисно тариқасида, белгиланган нархлар асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади:

автомобиль бензини – бюджет ташкилотлари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига;

дизель ёқилғиси – бюджет ташкилотлари, давлат буюртмаси бўйича пахта хом ашёси ва ғалла етиштириб берувчи фермер хўжаликлари, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ, маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш бўйича давлат корхоналарига;

кўмир – бюджет ташкилотлари, аҳоли ва "Ўзбекэнерго" АЖ корхоналарига;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мўлжалланган пахта ёғи – 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чакана устамани ўз ичига олган белгиланган нарх бўйича кейинчалик тақсимлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган улгуржи ва чакана корхоналарга, давлат стратегик захирасини шакллантириш учун – белгиланган нарх бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига;

в) пахта толаси уни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдолари орқали, "Давлат белгиси" ДИЧБ, "Ўзпахтасаноат" АЖ ва Ўзбекистон кўрлар жамияти корхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларига технологик эҳтиёж ва мавжуд ишлаб чиқариш қуввати доирасида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади;

г) пахта чигити шелухаси ва шроти амалдаги биржа устамалари ва ҳажмларни тақсимлаш тартиби сақланган ҳолда биржа савдоларида реализация қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда юқори ликвидли маҳсулот турларини реализация қилиш бўйича товар-хом ашё биржалари фаолиятининг ўрганилишини, нархлар асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, иштирокчиларнинг биржа савдоларида эркин қатнашишини таъминлаш, биржа савдоларининг электрон тизимларидан рухсатсиз фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этсин.

4. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси тугатилиб, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш ваколати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни олиш буюртмаларини кўриб чиқиш муддати 20 кунгача қисқартирилади;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда мурожаат қилувчининг устав фондига қўйилган талаб буюртма тақдим этилган вақтда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорини ташкил этади;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратмаларини бериш ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ишчи лойиҳа тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун давомида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар беришнинг янгиланган тартиби ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

5. Маҳаллий корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат) ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш тартиби бекор қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Бош прокуратура, "Ўзқурилишматериаллари" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда норуда фойдали қазилмалар конларидан фойдаланилишини танқидий ўргансин ҳамда қуйидагиларни ҳам назарда тутган ҳолда уларни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритсин:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва муқобил энергия манбаларини жорий этиш орқали, шу жумладан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини камайтириш йўли билан харажатларни оптималлаштириш;

муқобил қум-шағал конларини тез суръатларда қазиш ва ўзлаштириш;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларида ҳақида тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилиш.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сон қарори иловасининг 1-бандида кўрсатилган табиий газ истеъмолчи ташкилотларга нисбатан табиий газни реализация қилишда нарх белгилашнинг алоҳида тартиби татбиқ этилмайдиган истеъмолчилар учун белгиланган амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффициент қўлланилган ҳолда тўлаш тартиби 2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлади.

"Ўздавэнергоназорат" ва "Ўздавнефтгазинспекция" давлат инспекциялари, "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ "Ўзстандарт" агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 15 февралга қадар муддатда корхоналарга улар томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартибининг ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминласин.

8. "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2-иловага мувофиқ қурилиш материаллари асосий турларини ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт қилишда божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёз бериладиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) маҳсулот, хом ашё ва материаллар турларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда талаб юқори бўлган, биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин.

10. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларнинг энг яхшиларини танлаб олиш натижалари бўйича тендер савдоларини ўтказмасдан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида экспертизадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқарувчилардан мустақил сотиб олиш ҳуқуқи берилсин.

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) ва янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш доирасида уларни бош пудрат ташкилотларига реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ томонидан ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни бош пудрат ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш рентабеллиги 5 фоиздан ошмаган нархда амалга оширилади;

"Ўзсаноатэкспорт" АЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда берилган божхона тўловларини ва уларни "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тарзидаги имтиёзлар ушбу қарор қабул қилинган кунга қадар имзоланган импорт контрактларига нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ билан биргаликда ўн кун муддатда ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листлар импортини молиялаштириш манбалари ва механизмлари бўйича таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, реал вақт режимида "қурилиш материалларини қазиб олиш – ташиш – сақлаш – қайта ишлаш – ишлаб чиқариш – реализация қилиш" занжири бўйича жараённи кузатиб бориш имконини берувчи Идораларо ҳамкорликнинг ягона интеграциялашган ахборот тизими жорий этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 17 январь

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Биринчи босқичда Ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Ушбу Концепция тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини амалга ошириш бўйича стратегик вазифаларни ўз ичига олган ҳужжат бўлади.

Иккинчи босқичда Ривожланиш концепцияси асосида мақсади ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган 3 йиллик, яъни 2019-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳалар портфели шакллантирилади. Ушбу лойиҳалар Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари билан келишилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида экспертизадан ўтказилади. Ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича батафсил календарь режаси ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда тасдиқланган 3 йиллик лойиҳалар портфели асосида Ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш талаб этилади.

Бундан буён Ривожланиш давлат дастурларига фақат дастлабки техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган лойиҳалар киритилади, дея алоҳида таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг жорий йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат харидларини амалга ошириш, давлат дастури доирасидаги ҳужжатларни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича комплекс экспертизанинг самарали тизимини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори соҳага оид яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Унга мувофиқ, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузурида Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази ташкил этилди. Эндиликда лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва импорт шартномалари ушбу марказда экспертизадан ўтказилади.

Янги тартиб бўйича ишлар давом этаётгани боис 2018 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳалари, истисно тариқасида, Президент томонидан тасдиқланадиган Инвестиция лойиҳалари рўйхати асосида амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари тажриба тариқасида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида лойиҳаларни энергиятежамкор, замонавий қурилиш ва енгил конструкцияли материаллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш орқали уларнинг қийматини 20-30 фоизга арзонлаштириш амалиётини жорий этишни таклиф қилди.

Иқтисод қилинган маблағлар тўлалигича мазкур лойиҳа жойлашадиган шаҳар ёки туман ихтиёрида қолади ҳамда ушбу ҳудуднинг ижтимоий ва коммунал соҳа масалаларини ҳал этишга йўналтирилади, деди Президентимиз.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини иқтисодий, молиявий ва технологик асосланган ҳолда ишлаб чиқишда лойиҳа институтларини тайёрлаш ва экспертиза қилишнинг мутлақо янгича механизмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Илгари қарз, кредит ва грант маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идоралараро кенгаш томонидан ташкил этиларди. Бу ваколатли давлат органларининг масъулияти ва ташаббускорлигини пасайтириб, ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар ва харажатларга олиб келарди.

Президентимизнинг 2017 йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида давлат бошқаруви органларининг етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Барча даражадаги ҳокимликлар ушбу давлат органлари билан биргаликда иш олиб боради.

Бундан кейин Инвестиция дастури каби Ривожланиш давлат дастурига ҳам пухта ишланмаган, молиявий манбаси ва эгаси аниқ бўлмаган, фақатгина битимларда қолиб кетадиган лойиҳаларни киритиш амалиёти такрорланса, тегишли раҳбарлар қонун олдида жавоб беради.

Йиғилишда бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш, солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

МАҲАЛЛАДА БИР КУН

(Боши 1-саҳифада)

Маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида уй шароитида касаначилик, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун ҳам шароит яратилган. Ҳозир бу ерда ўнлаб ҳунарманд аёллар уй шароитида ўзларига ўхшаган хотин-қизларни атрофига бириктириб, тикувчилик, тўқувчилик сирларини ўргатмоқда.

– Тикувчилик билан шуғулланаётганимизга 10 йилдан ошди, – дейди "Шерматова Мадина Мухторовна" оилавий тадбиркорлик корхонаси раҳбари Мадина Шерматова. – Аввалига якка тартибда фаолият юритдим. Кейинчалик буюртмалар кўпайгач, оиламдагиларни кўмакка чақирдим ва оилавий тадбиркорга айландик. Айни пайтда буюртмага қараб 3-4 турдаги эркаклар кийими тикамиз ва ички бозорга чиқарамиз. Тўлиқ маҳаллий хомашёдан фойдаланамиз. Орттирган даромад ҳисобига сўнгги русумдаги 5 тикув машинаси харид қилдик. Бу эса маҳсулотларимиз сифатини тобора оширди. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Алишер Навоий номидаги маҳаллада бир кунимиз мана шундай ўтди. Қайси хонадонга кирманг, бир ўзгариш, янгиликнинг гувоҳи бўласиз. Одамлар бугунидан, ҳаётидан мамнун, эртанги кунга ишончи мустаҳкам.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири.

Хоразм вилояти

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан Қўшкўпир ва Хива туманларида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИДА ЁШЛАР

Унда 165 та корхона ва ташкилот 500 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шунингдек, тадбирда тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ишсиз фуқаролар ҳамда уюшмаган ёшларга иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш юзасидан маслаҳат ва амалий кўмак берилди.

– Тўрт йил олдин тиббиёт коллежини тугатганман, – дейди қўшкўпирлик Ибодат Қутлиева. – Кўп жойга иш сўраб бордим, лекин ижобий жавоб ололмай келаётгандим. Мазкур ярмаркада тумандаги 40-сонли ўрта мактабга ҳамшираликка жойлашдим.

– Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари саналади, – дейди вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Темиров. – Айниқса, ушбу ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркасининг ташкил этилиши қишлоқ ёшларига катта амалий ёрдам берди. Бундан ташқари, бошқармамизга биркитилган жами 100 та маҳалла фуқаролар йиғинида уйма-уй юриб, қишлоқлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни жойида бартараф этиш, туман ва вилоят миқёсида ҳал қилиниши керак бўлган масалалар юзасидан таклифлар тайёрлашга эришилмоқда. Натижада қўплаб оилавий, ижтимоий-маиший, меҳнат миграцияси, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларида мавжуд муаммоларга ечим топиш ҳамда ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш каби масалалар бевосита маҳаллаларнинг ўзида ҳал этилмоқда.

Ярмаркага ташриф буюрганларнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежи битирувчилари, ишсиз фуқаролар, жазодан озод этилган шахслар ҳамда вақтинча чет давлатларда ишлаб қайтган ёшлар ташкил этди.

– Маълумотим ўрта махсус, – дейди тадбир қатнашчиси Муҳаммад Мирзаев. – Икки йил олдин коллежни тугатдим. Мутахассислигим бўйича иш топа олмагач, чет давлатларда ишлаб қайтдим. Бугунги меҳнат ярмаркасида тумандаги умумий овқатланиш шохобчаларидан бирига ишга йўлланма олдим. Ўзим қатори ёш мутахассисларга яратилаётган бундай имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Меҳнат ярмаркаси натижаларига кўра, иштирокчилардан 63 нафарига доимий иш ўрни учун йўлланма берилди, 40 нафари касбга ўқитиш курсларига жалб қилинди, 300 нафарга яқин коллеж битирувчилари эса ўз мутахассисликлари бўйича керакли маслаҳатлар олди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

МУНОСАБАТ

“Ўз юртини севмаган одам, ҳеч нимани сева олмайди”, деб ёзган эди Жорж Байрон. Дарҳақиқат, Ватанини севган инсонгина бировни ҳам сева олади, буюк ишларга қодир бўлади. Ватанпарварлик ҳеч қандай манфаат кутмаган ҳолда юртни севиш, равнақига ҳисса қўшиш, керак бўлса, унинг учун жонни қурбон қилиш демакдир.

«ЭЛҒА ҚЎШИЛҒОН, ЭШ ТОПАР...»

ЁХУД БИЗ ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МАСЪУЛИЯТИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАБ ЕТЯПМИЗ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглаш жараёнида ҳар бир юртдошимизнинг кўнглидан шундай ўйлар кечган бўлса, ажаб эмас. Зеро, ушбу Мурожаатноманинг оммавий ахборот воситаларида “Замонавий давлатчилигимиз тарихида улкан ўзгариш ясаган воқеа” сифатида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Бизнингча, ушбу Мурожаатнома нафақат давлатчилигимиз тарихида, балки юртдошларимиз қалбида, онгу шуурида ҳам кескин инқилоб ясади. Боиси ундаги фикрлар халқимизнинг дилида ва тилида турган, баъзан айтиб, баъзан айтолмаётган дардлари ва шу дардларни даволаш йўли эди...

Ҳар қайси замонда ҳам халқнинг дарди-ташвиши, орзу-истаклари, шу билан бир қаторда, миллат тараққиётига тўсиқ – иллатлар бўлади. Лекин уларни очиқ кўз билан кўриш, таҳлил қилиш ва катта минбардан туриб баралла айтиш ҳамма журъат қилаверадиган иш эмас. Давлатимиз раҳбарининг халқ олдида ҳисобот бериши, камчиликларни мардона тан олиши ноёб ҳодиса.

Мурожаатнома ҳар бир юртдошимизнинг юрагига чўғ ташлади, мудроқ қалбларни уйғотди. Бундан буён эскича қолипда ишлаш ва яшаш мумкин эмаслигини, ким бўлишимиздан қатъи назар ўз фаолиятимизни танқидий таҳлил қилишимиз, бурч ва мажбуриятларимизга виждонан ёндашишимиз, лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятидан бутунлай воз кечишимиз зарурлигини англатди.

Буюк келажак сари интилиш – эзгу ғоя. Шундай ғоялар халқни бир мақсад атрофида жипслаштиради, олға бошлайди. Лекин биз-чи, бахтли яшашга ҳақли эмасмизми? Бизга ҳам яшаш учун имконият фақат бир марта берилади ва ҳаётдан ўз улушимизни олишимиз керакмасми? Бу каби саволларнинг жавоби давлатимиз раҳбарининг “...халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир”, деган эътирофларида ҳам ўз ифодасини топди.

Мустақиллик йилларида юртимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди, халқимиз қийинчиликларни мардона енгиб ўтди. Машаққатли ўтиш даврида қора қозонни қайнатиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини тиклаб олиш аксарият юртдошларимиз учун бирламчи аҳамият касб этди. Бу жараёнда бозор иқтисодиётининг шафқатсиз қонун-қоидалари, ахборот асрининг чегара билмас имкониятлари, ёт маданиятнинг кириб келиши ҳаётга муносабатимизни, дунёқарашимизни ўзгартирмай қолмади. Бу ўзгаришнинг ҳам ижобий, ҳам салбий тарафи бор. Эътибор қаратсак, ўзларини “ҳур фикр эгаси” сифатида тақдим этаётган айрим кучлар таъсири ўлароқ орамизда ҳамма нарсага шубҳа, норозилик ва танқид кўзи билан қаровчи, турмуш тарзи, маданияти ва урф-одатларини бошқа миллатлар билан солиштирувчи, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳаддан зиёд таниган, аммо Ватани, халқи олдидаги бурч ва мажбуриятларини англамайдиган, тан олмайдиган худбин одамлар гуруҳи пайдо бўлди. Бунга эътирозингиз бўлса, ижтимоий тармоққа бирон воқеа-ходиса хусусида шахсий фикрингизни жойланг ёхуд маслаҳат сўраб мурожаат қилинг. Турли-туман мазмундаги, таъна-дашном, пичинг ва кесатиқларга тўла гаплар билан обдон “сийланасиз”. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг аксарияти ёшлар, уларнинг ҳаётий тажрибаси камда, дерсиз? Йўқ, бу фикр ўзини мутлақо оқламайди, аксинча, кўпроқ ташвишлантиради.

Пахта мавсумида ижтимоий тармоқлар орқали мажбурий меҳнат ҳақида билдирилган фикрларни ёдга олайлик. Бу мавзу ўзини “демократ” сановчи оммавий ахборот воситаларининг, кимсаларнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшди. Жорий йилда пахта теримига ўқувчи ва талаба ёшлар жалб этилмагани, ҳар бир килограмм пахта учун юқори баҳода нақд пул тўланганию дала шийпонларида теримчилар учун барча шарт-шароитлар яратилгани, умуман, бу борада ўнлаб йиллар эмас, бир йил олдингига нисбатан катта ўзгариш, ижобий силжиш бўлгани эса уларнинг “синчков” назаридан четда қолди. Ёши улуғ бир отахоннинг ҳозирча пахта асосий даромад манбаларимиздан бири экани, уни териб олишга ёрдам беришни мажбурий меҳнат эмас, Ватан олдидаги бурч сифатида қабул қилишимиз тўғрироқ бўлиши ҳақидаги фикрлари шахсан менинг бу борадаги қарашларимга таъсир кўрсатди. Шу ўринда яна бир савол туғилади: мажбурий меҳнат ҳақида билдираётган кескин, айни пайтда нохолис фикрлар орқали ёшларда меҳнатсеварлик, жамиятга дахлдорлик иссини ўлдириб қўймаяпмизми?

Бир пайтлар ўқувчилар ўртасида данак, наъматак, қоғоз парчалари ва темир бўлакларини йиғиш бўйича тарғиботлар ўтказиларди. Бундай тадбирларда иштирок этаётган ўқувчи шу орқали Ватанга, бемор юртдошига нафи тегаётганига, ўрмонларнинг кесилиб кетишига қарши курашаётганига ишонарди. Аслида, бу каби оммавий тадбирлар тўғри ташкил қилинса, мурғак қалбларда ватанпарварлик, олижаноблик туйғулари шаклланади, меҳнатга тўғри муносабат уйғонади. Хўш, бугун ўқувчи кўчада ётган 2 килограммлик темирни йиғиб келса, бунинг нимаси ёмон? Бола учун ўйиндан фарқли бўлган бу юмуш қайси жиҳати билан аюҳаннос солишга сабаб бўлади?

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари парламент ва маҳаллий кенгашлар ишига муносабат билдириб, бу борадаги муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари депутатлигига ўтказилган сайловлар жараёнида бевосита иштирок этган фуқаро сифатида ушбу жараёндан кўнглим тўлмаган ўринлар ҳам бўлди. Лекин шундай демократик жараённинг йўлга қўйилишидан мамнун бўлишимиз, унда фаол иштирок этишни фуқаролик бурч сифатида қабул қилишимиз керак эмасмиди? Ахир пойтахт туман Кенгашларига депутатлар – халқ вакилларининг сайланиши аҳолининг давлат бошқарувида иштирок этишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли эмасми? Қачон бу каби ислоҳотларга хайрихоҳлик билан қарашни ўрганамиз?

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари ҳақида гап кетганда табиий газ, электр энергияси ва улардан оқилона фойдаланиш, энергия ресурсларини тежаш хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Тан олиш керак, бизда истеъмолчилик маданияти етарли даражада шаклланган йўқ. Собиқ тузумдан қолган қарашлар ҳамон бу соҳалар истиқболига тўсиқ бўляпти. Газ ва бошқа энергия ресурсларини тежамаслик, беҳуда исроф қилиш, яширинча фойдаланиш, ўғирлик, қандай гуноҳ эканлигини ҳануз англаб етмаяпмиз.

Инсон саломатлигини сақлаш борасида юртимизда сўнгги йиллар давомида катта қадамлар ташланди. Мурожаатномада бу борадаги фаолият янада такомиллаштирилиши юзасидан режалар ҳам баён этилди. Соғлиқни сақлаш борасида давлат томонидан имкон қадар шароитлар яратилган, тиббий хизматлар бепул. Унда муаммо нимада? Саломатлигимиз ўз қўлимизда экани, бунинг учун энг аввало ўзимиз курашишимиз зарурлигини тан олиш мавриди келмадими? Айниқса, ҳозирги экологик муаммолар кўпайган, озиқ-овқатларнинг аксарият қисми синтетик усулда етиштирилаётган бир пайтда тиббий маданиятни юксалтириш ғоят долзарб масала. Латифалардан бирида айтилганидек, ўзбек хасталикнинг охирги босқичида шифокорга мурожаат этса, яна ундан тезгина тузатиб беришни талаб этиши қанчалик тўғри? Ўзини асрамаганни биров асраб қолиши даргумонлигини, шифокорга даволаш учун имконият қолдирмай, яна унга дўқ-пўписа уриш, шикоятбозлик қилиш ҳеч қандай меъёрларга сиғмаслигини қачон тушунамиз?

Ижтимоий тармоқлардан бирида қўйилган пост муҳокамаларга сабаб бўлди. Пост эгаси уйига ўғри тушгани, “дангаса ички ишлар ходимлари” ўғрини астойдил қидирмаётганидан шикоят қилибди. Фойдаланувчиларнинг бири қўйиб, иккинчиси соҳа ходимларини “сўзбўрон” қила бошлашди. Орада бир фойдаланувчи: “Ўзингизга ҳушёр бўлганингиз маъқул эди, ички ишлар ходимлари афсунгар эмаски, бир зумда ўғрини топса, сабр қилинг”, дегани учун балога гирифтор бўлди. Халқимизда “Ўзингга ҳушёр бўл, қўшнингни ўғри тутма”, деган мақол бежиз айтилмаган. Токайгача милиция бор экан деб, бепарволик ва лоқайдликка берилиш, шифокор бор экан деб, саломатликка бефарқ бўлиш, ўқитувчи ўқитиши шарт деб, фарзанд таълим-тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин? Қолаверса, ҳар бир инсон масъулиятни ҳис қилиши, бировга талаб қўяётганида унинг нечоғли асосли ва ҳақли эканига амин бўлиши керак. Буларнинг бари ҳаётга муносабатимиз, маънавий савиямиз ҳақида жиддий ўйлашга, уни ўзгартирмай, жамиятни ўзгартириб бўлмаслигини ҳис қилишга мажбур этади.

Мамлакат тараққиёти биргина давлат раҳбари ёки катта-кичик амалдорларга боғлиқ эмас. Бу барчамизнинг умумий мақсадимизга айланмас экан, кўзланган маррага ета олмаймиз. Алишер Навоий таъкидлаганидек, “Элга қўшилғон, эш топар”. Элга қўшилиб, эл корига яраш, унинг равнақига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги бурчимиз ва мажбуриятимиздир.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Тошкент вилояти

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ ҲАМҚАДАМ ВА ҲАМФИКР БЎЛАЙЛИК

Ватанни севмоқ иймондандир, дейилади Ҳадиси шарифда. Дарҳақиқат, Ватанни севиш, унинг равнақи ва тараққиёти учун хизмат қилиш барча учун муқаддас бурч. Шу ўринда айтиш керакки, Ватанга бўлган муҳаббати олов каби қайноқ, юртга садоқати само қадар поёнсиз, халққа меҳри офтобдек кучли бўлган инсонгина халқнинг эҳтиромига, дуосига сазовор бўлади. Эл-улуснинг дуосини олиш, халқни рози қилиш том маънодаги жасорат намунаси.

Ўтган ҳафтада Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф, шубҳасиз, янги ташаббус ва ғоялар учун туртки бўлди. Давлатимиз раҳбари вилоятимизнинг бир нечта туман ва шаҳарларида бўлиб, ислоҳотлар, инновацион ғоялар билан танишди, халқ билан мулоқот қилди. Вилоятимиз маркази Нурафшон шаҳрида фаоллар билан бўлган йиғилишда эса ҳудудни ҳар жиҳатдан ривожлантириш борасида мисли кўрилмаган фикрлар ўртага ташланди.

Президентимизнинг ташаббуси билан Нурафшонда театр қуриладиган бўлди. Бу ибратхонада вилоят аҳли маданий ҳордиқ чиқаради, тарбия олади, маънавиятини юксалтиради. Паркентда эса Ёзувчилар уюшмаси учун 50 ўринли сиҳатгоҳ барпо этилади. Бундан ташқари, жорий йилда Нурафшон шаҳрида Ёшлар маркази қуриб, фойдаланишга топширилади. Яширишнинг кераги йўқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят Кенгаши кўп йиллар Чилонзор туманида фаолиятини юритган эди. Энди Олмалиқдан, Бекободдан, Нурафшондан пойтахти азиммнинг марказига қатнашни ўйланг. Ўтган йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят Кенгаши Қумовул маданият ва аҳоли дам олиш масканига кўчанди. У ерда ҳам кўним тополмади. 2017 йил 30 июндан эътиборан ушбу ёшлар ташкилоти Нурафшондаги Ижтимоий-иқтисодиёт коллежи биносида иш олиб бормоқда.

Ҳар бир кутубхона битта қамоқхонани ёпади, деган экан донишмандлар. Президентимиз бугун китобхонлик маданиятига, китоб мутолаасига ҳар қачонгидан ҳам улкан аҳамият қаратилаётганини Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлади. Агар бутун мамлакат, миллат ҳақиқий китобхон бўлса, содир бўлаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга ҳам, “оммавий маданият”у диний экстремизмга ҳам, коррупцияга ҳам чек қўйилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз вилоятимиз ҳаёти ҳақида куюнчаклик билан гапирди. Бироқ, барчамизга кундек равшан – Янгийўлда ҳам, Қуйи Чирчиқда ҳам, Оққўрғонда ҳам, таъбир жоиз бўлса, янгидан бунёд бўлаётган Нурафшонда ҳам Юртбошимизнинг ҳеч қандай яқини яшамайди. Бу манзилларда Ўзбекистон заминида Шавкат Мирзиёев севган, жону дилидан ортиқ кўрган, бор меҳрини берган халқ яшайди. Мана шу халқ, мана шу замин учун бор куч-салоҳиятини сафарбар этаётган, ислоҳотларнинг бош ижодкори – Президентимиз олдида шунчаки томошабин бўлиш адолатдан ҳам, инсонийликдан ҳам эмас.

Барчамиздан фақат фидойилик, бедорлик ва садоқат талаб қилиняпти. Агар шу жиҳатлар бизда ўз аксини топмас экан, юртнинг ҳақиқий фарзандлари эмасмиз.

Отабек ИСРОИЛОВ,
ёш ижодкор.

Бухоро вилояти

ПАХТА – ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ:

ЗАМОНАВИЙ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЛОЙИҲАСИ

Бугунги шиддатли тараққиёт даври барча тоифадаги маҳсулот ишлаб чиқариш субъектларидан ақл билан узоқни кўзлаб тузилган аниқ ва пухта режалар асосида иш юритишни талаб этяпти. Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишида, халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини ташкил этишга оид қарори асосида олиб борилаётган амалий ишлар соҳага кириб келаётган инновациянинг ёрқин кўринишидир.

“ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Шу ўринда кластер лойиҳаси ҳақида маълумот бериб ўтишни жоиз деб билдик.

Пахта – тўқимачилик кластери бу пахта хомашёсини етиштириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани экиш, етиштириш, йиғиштириб-териб олиш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан юқори қўшимча қийматга эга бўлган, жаҳон стандартларига мос келадиган, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан шуғулланувчи корхоналарни битта бошқарув тизимида бирлаштирган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услубидир. Бухоро пахта-тўқимачилик кластерида ушбу услубнинг моҳияти ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иш ташкил этилган. Яъни бу ерда фан ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнини ўзаро боғлаган, саккизта лойиҳани ўзида бирлаштирган яхлит тизим шакллантирилган. Биринчидан, саноатбоп хомашё етиштирилади ва йиғиштириб олинади. Иккинчидан, қайта ишлаш жараёнида бирламчи хомашё тайёрланади. Учинчи босқичда эса пахта толаси ип-калавага айлантирилади. Кейинги босқичда у табиий бўёқ билан бўялади, маҳсулот тўқилади – тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади. Сўнг корхонада ташкил этиладиган тикувчилик цехида тайёр кийимга айлантирилади.

Иккиламчи маҳсулот сифатида олинган чигитдан эса ёғ, шрот, кунжара ишлаб чиқарилади. Озуқа маҳсулотлари кластерда ташкил этиладиган 10 минг бошга мўлжалланган чорвачилик мажмуаси учун керак бўлади. Мажмуада олинадиган хомашё – сут, гўшт ва терини қайта ишлаш учун учта завод қурилади. Чорва чиқиндиларини қайта ишлаш натижасида биогаз олиниб, 20 гектарлик иссиқхонани иситиш учун ишлатилади. Қувонарли томони шундаки, мазкур лойиҳа аграр соҳанинг бир қатор тармоқларини ўз ичига олади ва улар истиқболда белгиланган “Тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида иш олиб боради. Буларнинг барчаси соҳада хомашёни сотиб эмас, уни тайёр маҳсулотга айлантириб, моддий манфаатдор бўлиш йўлидаги дастлабки одим ҳисобланади.

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Президентимизнинг қарори асосида ўтган йилнинг иккинчи ярмида Бухоро вилоятида “Paraglide Limited” (Буюк Британия) ва “Петромаруз” (Россия) компаниялари инвестициялари асосида “Bukhara cottoh tekstile cluster” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги пахта-тўқимачилик корхонаси ва унинг пахта етиштириш ва пахтани қайта ишлаш шўъба корхоналари ташкил этилди.

Бухоро вилоятида замонавий пахта – тўқимачилик кластерини ташкил этиш лойиҳаси 2017-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, унинг умумий қиймати 123,1 миллион АҚШ долларига тенг. Корхона учун зарур бўладиган пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида Ромитан туманининг суғориладиган майдонларидан 8 минг гектар ер ажратилди. Бу ерда “BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS” МЧЖ корхонаси ташкил этилди. Ҳозирда деҳқончилик юмушларини бажаришга ихтисослашган агрокорхона, ёқилғи мойлаш ва машина-трактор парки каби мажмуалар барпо этилмоқда. Ер майдонлари 8 бўлим, 78 та участкага ажратилиб, бунда ерларнинг сув йўлларига мослиги, аҳоли яшаш манзиллари эътиборга олинди. Буларнинг барчаси мутахассислар ва аҳоли эътирофига сазовор бўлди. Ҳозирда агротехник юмушлар бошлаб юборилди. Хусусан, ерларни шудгор ва шўр ювишга тайёрлаш, контур атрофларини тозалаш, шудгорлаш, сув йўлларини таъмирлаш каби агротехник тадбирлар тўлиқ бажарилди. Бунда маҳаллий ўғит жамғариш ишларига ҳам алоҳида этибор берилди. 8 минг гектар майдонда ушбу агротехник тадбирларни амалга ошириш учун олдинги йиллари 426 нафар киши меҳнат қилган бўлса, бу йил уларнинг сони салкам 8 баробарга ошди. Энг муҳими, бунда сифат бош тамойил ҳисобланди.

Албатта, корхонада техникалар кучидан унумли фойдаланиш, механизациялашга ҳам жиддий қаралмоқда. Жумладан, экиш мавсуми бошлангунга қадар корхона машина-трактор паркини 20 та “К-700”, 20 та “ПЯ-4-35” ва “ПЯ-5-35” омочлари, 12 та “Кейс-1200” русумли экишгич, 5 та экскаватор, 6 та бульдозер, 156 та “МТЗ 80-1” русумли чопиқ, 78 та транспорт трактори, 156 та тиркама, 5 та “Isuzu” русумли ёқилғи ва маҳаллий ўғит ташишга мўлжалланган автомашина ҳамда бошқа зарур техника воситалари билан тўлдириш кўзда тутилган.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ВА МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИ

Пахта – тўқимачилик инновацион кластер лойиҳаси тўлиқ амалга оширилиши баробарида 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Ҳозирда корхонанинг 3 қаватли дала шийпони кўринишидаги маъмурий биноси қад ростламоқда. Бу ерда ишчи-ходимларнинг овқатланиши, дам олиши, китоб ўқиши, талаба-ўқувчиларнинг ўз билимини ошириши ва олимларнинг инновацион ғояларни муҳокама қилишлари учун барча шароитлар яратилади. Келгусида яна 77 та шундай дала шийпони қуриш режалаштирилган.

– Фаолиятимизда иккита йўналиш асосий мезон қилиб белгиланган, – дейди агрокорхона бош агрономи Норбой Жамилов. – Биринчиси, ишчи-ходимларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаб, уларнинг реал даромадларини ошириш орқали меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириш. Иккинчиси, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш орқали турмуш даражасини янада юксалтиришдир.

Лойиҳа фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида кўплаб ишчилар билан учрашиб, уларнинг фикрлари билан ўртоқлашдик. Агрокорхона менежер агрономи Ҳасан Юсупов шу вақтгача фермер хўжалигида иш юритувчи ва фермер сифатида фаолият юритган экан. Унинг таъкидлашича, илгари қишлоқ мулкдорларининг аксарияти етиштирилган хомашёни қабул қилувчи корхоналарга етказиб берган. Табиийки, қайта ишлаш ҳисобидан келадиган қўшимча даромаддан хомашё етиштирувчи манфаатдор бўлмаган. Кластер лойиҳасида эса корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан эркин фойдаланиш, мустақил равишда нархларни ва маҳсулотларни сотиш ҳажмларини белгилашга рухсат берилган.

Мухтасар айтганда, пахта – тўқимачилик кластери услубида ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, қишлоқ хўжалигининг интеграциялашувига ҳамда ишлаб чиқаришга янги инновацион ғояларни татбиқ этишга имкон беради. Шу боис, кластерни мамлакатимиз аграр соҳасини замон талаблари даражасида тараққий эттиришга хизмат қиладиган “бугунги куннинг қалдирғоч лойиҳаси”, дея таърифлаш мумкин. Уни амалиётга татбиқ этишда муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Аммо янги лойиҳанинг истиқболи порлоқ эканлигига шубҳа йўқ. Зеро, табиий пахта толасидан ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари хорижда ҳар доим харидоргир бўлганини барчамиз яхши биламиз. “Ўзбек бренди” номи билан жаҳон бозорига сифатли, сертификатланган тайёр маҳсулот чиқариш эса юртимиз тадбиркорларига фахр ва ғурур бағишлайди.

Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Қашқадарё вилояти

Юртимизда хеч бир соҳа йўққи, эътибордан четда қолаётган бўлса. Олиб борилаётган ҳар бир ислоҳот замирида, энг аввало, одамларимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш, уларни ҳаётдан рози қилиш, энг муҳими, инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу ва олижаноб мақсад мужассам. Айниқса, 2018 йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб номланиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Аёл муруввати

Юртимизда давлатимиз раҳбарининг ҳар бир гапини, олға сураётган ташаббусларини интиқлик билан кутиб, эртанги кунга ишончи, умиди ортаётган, ўз олдига улкан марраларни қўяётган ишбилармонлар кўпчиликни ташкил этади.

Қарийб тўрт гектарга яқин қаровсиз, ташландиқ ерни серҳосил, унумдор тупроққа айлантириб, пиллачиликда ҳам юқори ҳосил олишга эришган, келгусида ўз фаолиятини кўп тармоқли фермер хўжалиги асосида кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган қамашилик Нодира Нортошова шундай фидойи тадбиркорлардан бири.

"Йил аёли" республика миллий танловининг "Мурувватли аёл" номинацияси бўйича Қашқадарё вилояти ғолиби Нодирахоннинг ўй-хаёлини янада фаолроқ тадбиркор бўлишдек орзулар банд этган.

– Қарийб ўн беш йилдан буён оилавий шароитда паррандачилик билан шуғулланиб келаётган бўлсам-да, тадбиркорлик билан кенгроқ даражада шуғулланишга йўл-йўриқ тополмай юрардим, – дейди у. – Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил бошида вилоятимизга таштриф буюргани, воҳада аҳоли ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, айниқса, аёл тадбиркорлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклиф ва ташаббуслари мени бениҳоя руҳлантириб юборди. Шундан сўнг ўзимнинг фермер хўжалигимни ташкил этдим. Ушбу фаолиятга киришишимда менга Қамаши тумани хотин-қизлар қўмитаси яқиндан ёрдам берди. Ҳозирда етти юз бошдан ошиқ қурка, етти юз бошдан ошиқ товуқ боқяпман. Шунингдек, лимончилик билан шуғулланишга ҳам қатъий бел боғладим. Пиллачилик соҳасида ўзимни синаб кўришга қарор қилдим. Буни қарангки, "Иш бошловчиларга омад ҳамиша ёр бўлади", деганларидек, ипак қурти сотиш режасини туманда биринчилардан бўлиб, муддатидан олдин бажардим. Эндиликда фаолиятимни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириб, паррандачилик, пиллачилик билан бир қаторда асаларичилик, чорвачилик, эчкичилик, қуёнчилик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан ҳам шуғулланишга киришмоқчиман. Саховатли заминимиз Худонинг назари тушган юрт. Йилнинг тўрт фасли ҳам ўз тароватини тўлиқ намоён этадиган диёримизда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Президентимиз фармон ва қарорларидан оқилона фойдалана билсак, ҳаракат қилсак, аввало Яратганнинг ўзи бизни қўллайди. Биз ўз таклиф ва ташаббусларимиз билан чиқиб, янгиликларга интилиб меҳнат қилсак, ҳам оиламиз, ҳам юртимиз фаровон бўлади, гуллаб-яшнайди.

Нодира каби меҳнаткаш, изланувчан ва ўз ишининг фидойиси бўлган тадбиркорларни мавжуд имкониятлардан четда қолдирмаслик, уларга зарур кўмак ва тавсиялар бериш, талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш, зарур шарт-шароитларни яратиб бериш давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда амалга ошираётган ва Парламентга Мурожаатномасида қатъий олға сурган дадил сиёсатига айни муносиб муносабат ва жавоб бўлган бўлар эди.

Юртимизда Нодира Нортошова каби изланувчан, илғор ва фаол тадбиркорларимиз кўпаяверсин.

Дилфуза ОРЗИҚУЛОВА

Навоий вилояти

НУРОТАДА ЯНГИ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Нурота тумани марказида ёпиқ типдаги сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Мазкур спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиши ҳудуд ёшлари учун муносиб совға бўлди. Сузиш ҳавзасида бир кунда ўртача 120 нафар ёшларнинг сув спорти билан шуғулланиш имконияти яратилган.

– Бугунги кунда вилоятимизда 3 та ёпиқ ва 1 та очиқ сузиш ҳавзаси бўлиб, ҳудуд ёшлари ўртасида сув спортини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда, – дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Ҳамид Жумаев. – Бу мажмуа ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш йўлидаги яна бир қадам бўлди.

Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ХАЛҚ ДОНОЛИГИ

Маълумки, мақолларда инсонларнинг турли соҳалардаги тажрибалари қисқа ва лўнда, ёдлаб олишга осон поэтик шаклда акс этади. Ҳозирги ибора билан айтсак, ҳар бир мақол ўз ичига минглаб маънони жойлаган "файл"дир. Масалан, турли касб-ҳунарга оид мақолларда ўша касб-ҳунарга тегишли энг зарур маълумотлар бир неча сўзда баён қилинган.

ҲАР САТРИДА МАЪНО МУЖАССАМ

Қишлоқ хўжалиги сир-асрорлари акс этган айрим мақол ва маталларга диққат қаратамиз:

"Ер текис – ҳосил текис"

Тажрибали деҳқонлар айтадики, экин экадиган еринг дафтар варағидай текис бўлсин. Ернинг бир жойи паст, бир жойи баланд бўлса, кўнгилдагидек ҳосил олиб бўлмайди: ернинг паст жойига сув тўпланиб, экинни ғовлатиб юборади, агар сув бир неча кун ташлама орқали чиқариб юборилмаса, офтобнинг иссиғида ачийди ва экинни касалликка чалинтириши, қуритиши мумкин. Ернинг баланд жойида эса сув тез оқиб ўтганлиги сабабли экин сувга қонмай қолади ва бунда ҳам ҳосилга путур етади. Ҳар иккала ҳолатда, яъни сувга тўймагани учун яхши ривожланмаган ва сув кўплиги учун ғовлаган экинга касаллик тез тегади.

"Ерини алдаган оч қолар"

Ерни ва молни алдаб бўлмайди, дейишади. Молга қанча ем-хашак берсанг, шунга яраша гўшт ва сут оласан. Ер ҳам худди шу – яхши ишлов берсанг, экинга вақтида сув ва ўғит берсанг, ҳосилинг мўл бўлади. Шу боис, деҳқончилик ва чорвачиликни дунёдаги энг ҳалол касб дейишади. Дейлик, бошқа касбларда жиндай кўзбўямачилик, озроқ ёлғончилик қилиш мумкиндир. Лекин деҳқончилик ва чорвачиликда заррача ҳам кўзбўямачилик қилиб бўлмайди. Деҳқон экинини ўз фарзандидай тарбия қилиши лозим.

Паҳлавон РАҲИМОВ

ЧОРШАНБА – ЁНҒИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

Қўналарнинг совиши натижасида хонадонларни иситишга тўғри келади. Шу мақсадда газ ва кўмирдан фойдаланилади. Аммо уларни ишлатишнинг қатор қоидалари бор. Бунга амал қилмаслик натижасида ис газидан заҳарланиш ва маиший газнинг чақнаши оқибатида жабрланиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Куз-қиш мавсумида табиий газга нисбатан аҳоли эҳтиёжи ортиши ва истеъмолчилар томонидан қўшимча газ сўриш насосларининг ўрнатилиши, айрим ҳолларда газ тақсимлаш ускуналарининг қуввати аҳоли эҳтиёжига мос келмаслиги ёки носозлиги газ босимининг ўзгаришига олиб келади. Бу жараён газ ускуналари фаолиятига таъсир ўтказиб, газ чиқиши ва унинг чақнаши оқибатида ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олган афзал. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида фавқулодда вазиятлар ташкилоти, газ ва электр корхоналари мутахассислари ҳамкорлигида ёнғинлар профилактикаси куни муносабати билан аҳолига электр ва газ мосламаларидан тўғри фойдаланиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

К.БОЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистон анжуманлар саройи ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси инспектори, сержант.

Пойтахтимизда юз бераётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, содир бўлаётган офатларнинг кўпчилиги аҳоли турар жойларига тўғри келмоқда.

КИЧИК НОСОЗЛИК КАТТА ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Шу боис барчамиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишимиз, айниқса, қиш кунларида турли носоз, қўлбола иситиш воситаларидан фойдаланмаслигимиз, газ плиталарни назоратсиз қолдирмаслигимиз лозим. Иситиш мосламаларидаги кичкинагина носозлик вақтида тузатилмаса, жуда катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фақатгина соҳа ходимларининг хизмати етарли эмас. Бунинг учун барчамиз ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоғимиз лозим. Шундагина ўзимиз ва яқинларимизнинг ҳаётида юз бериши мумкин бўлган нохуш воқеаларнинг, кўнгилсизликларнинг олдини олган бўламиз.

Е. ЖЎРАБЕКОВ,
Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими.

Бепарволик катта талофотларга олиб келишини ҳамма вақт ҳам тушуниб етмаймиз. Оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида бир умр меҳнат қилиб топган мол-мулкимиздан, уй-жойимиздан ва яқинларимиздан жудо бўлишимиз ёки бир умрга ногирон бўлиб қолиш мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

БЕПАРВОЛИК БАЛО ЧАҚИРАДИ

Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида Сирғали тумани ЁХБ инспекторлари томонидан ташкилотлар, муассасалар, корхона ҳамда маҳаллаларда аҳоли билан олиб борилаётган тадбирларда ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари, ўт ўчиришда аҳамият берилиши керак бўлган жиҳатларга эътибор қаратилмоқда. Лозим бўлганда, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

М. ЎРИНБЕКОВ,
Сирғали тумани ЁХБ инспектори, сержант.

Сурхондарё вилояти

БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

Термиз шаҳридаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда сўз олганлар шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва янгидан барпо этилаётган кўпқаватли уй-жойлар осмони мусаффо, тинч, осуда давлатимизда амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар самараси эканини таъкидладилар.

Янги бинода маҳалла раиси, унинг ёрдамчилари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, посбон ва ҳудуд профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилган.

Дилфуза ЖЎРАЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм вилояти

"Қўшкўпир парранда" МЧЖда 50 мингта наслли, сермаҳсул, касалликка чидамли товуқлар парваришланмоқда.

ЯНА ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧИЛАДИ

Уларнинг 25 мингтаси аҳолига парҳезбоп товуқ гўшти етиштириб бериш учун боқилмоқда. Ярми эса тухум етиштириш учун парваришланаётир.

Бу ерда 750 миллион сўмлик банк кредити эвазига 45 мингта тухумга мўлжалланган жўжа очувчи инкубация ишга туширилган эди.

– Паррандачиликни янада ривожлантирамиз, – дейди "Қўшкўпир парранда" МЧЖ раҳбари Улуғбек Мадаминов. – Яна янги линияларни ишга туширириб, товуқлар бош сонини оширамиз ва аҳолига арзон товуқ гўшти ва тухуми етказиб берамиз.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

МУЛОҲАЗА

АЗАДА ПУЛ УЛАШИШ МАРҲУМНИНГ ҲУРМАТИМИ?

Қишнинг қаҳратон кунида тоғ қишлоқларидан бирида анча вақтдан буён бетоб, уч марта жарроҳлик операциясини бошидан ўтказган 48 ёшдаги киши вафот этди. Қишлоқнинг ёшу қариси азадор уйга етиб келишди. Марҳумнинг ҳали мактабни тамомламаган тўрт нафар қизи, коллежда ўқиётган ўғлининг оҳу ноласи тош юракларни ҳам эзиб юборади.

Кўп йилдан бери қанд касаллигидан азият чекиб келаётган марҳумнинг умр йўлдоши уйда бир ҳол бўлиб ётиб қолган. Ўғлни маҳалла оқсоқоли ва қишлоқнинг беш-олтита қарияси ҳузурига чақиришди.

– Иним, отангиз энди боқий дунёга кетяптилар, – дейишди улар. – Бу дунёга келиб падарингиз ҳеч ёруғлик кўрмади. Энди унинг ҳурматини жойига қўйиш керак. Уйингиздаги новвоснинг ёнига битта қўйни сўясиз. Келганларга таом, яна белбоғ олиш керак. Ичига икки минг сўмдан эркакларга, минг сўмдан аёлларга тугиб тарқатамиз. Ҳожи боболарга 5 минг сўмдан, муллаларга 25 минг сўмдан тугилади. Дастурхонга қўйиш учун 1000 та нон, қандқурс, олма-узум деганларини олиш лозим. Маблағдан ҳозирча ғам еманг. Мана, қўшнингиз Абубакир ҳожи бобо қарз бериб турадиган бўлди. Отангизнинг қирқи ўтгунча бир-иккита сигир, қўй сотиб қарздан қутуласиз.

Бошига турмушнинг зарбаси тушган ўғил "урф-одати шу, отам бу дунёдан рози бўлиб кетиши керак экан-да", дея уларнинг гапига рози бўлди. Таъзияда бирор қария ортиқча нарсаларни қўйинглар, керакмас, демади.

Шу тариқа таъзия куни қўшнининг ҳовлисида шўрва пиширилиб, таом тарқатилди, эркагу аёлларга пул улашилди. Марҳумнинг ўғли пайшанба куни битта қўй, қирқи куни яна битта қўй сўйиб, ош қилди.

Динимизда таъзия куни мол сўйиб, таом тарқатиш, пул улашиш кўрсатилмаган. Пешоларимиз ҳам бу одатни қўллаб-қувватлашмайди. Халқимиз инсонга қанча эъзоз, ҳурмат бўлса, тириклигида кўрсатишни, ҳаётдан ўтганида ортда қолганларнинг кўнглини кўтариш, уларга елкадош бўлиш кераклигини яхши билади.

Аммо айрим моҳиятдан хабари йўқ кишилар ва маҳалла оқсоқолларининг қусур ва бидъатларга йўл очиб бераётганлиги кишини ташвишлантиради.

Ёшми, қарими, бу таъзияли оила учун мусибат, катта йўқотишдир. Кимдир жон-жигаридан, қон-қариндошидан жудо бўляпти. Марҳумнинг ҳурматини жойига қўймоқ, мусулмонлик бурчини адо этмоқ пул улашиш билан бўлмайди. Ўтганларнинг ҳақига дуо қилмоқлик ва яқинларининг кўнглини олмоқлик эмасми бу маъракаларнинг моҳияти. Буни барчамиз, хусусан, эл оқсоқоллари, маҳалла фаоллари яхши англаб етмоғи керак, назаримизда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ш. Сергели т.да (10.03.2017 й., реестр № 005710-06) рўйхатдан ўтган "XURSHID GREAT LUCK" МЧК (СТИР 304728394) тугатилади. Даъволар 400-21-33 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т.даги "WHITE GROUP" МЧЖнинг (СТИР 304806504) устав фонди (иштирокчиларнинг 15.01.2018 й.даги № 1-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилиш баённомасига асосан) 16 000 000 сўмдан 10 000 000 сўмга камайтирилади. Даъволар учун тел: (+99890) 916-79-84.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (14.12.2010 й., реестр № 006160-04) рўйхатдан ўтган "NEFT-KIMYO TEXNOLOGIYA VA SERVIS" МЧК (СТИР 301755776) тугатилади. Даъволар 981-75-48 тел. рақами орқали қабул қилинади.

"Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш Маркази" ДУК кичик ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун таклиф этилади. Манзил: А.Темур шох кўч. 16-А уй.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари давлат кадастри бошқармаси томонидан (18.04.2011 й., кадастр рақами 10; 07; 01; 01; 02; 0152) "MPC INTERNATIONAL INVESTMENTS END CONSULTANTS CmbH – TASHKENT" шўъба корхонаси (Юнусобод т. Ш.Рашидов кўч.да жойлашган) номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Kadirov Abdurashid Djurayevich-га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (10.07.2013 й., реестр № 008240-04) рўйхатдан ўтган "SHAHZODA SAVDO" МЧК (СТИР 302658262) тугатилади. Даъволар 981-72-72 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. F.Ғулом кўч. Ц-15 17-уй 16-хонадон учун Таирова Мамура Зайнуддиновна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (11.09.2007 й., реестр № 003177-04) рўйхатдан ўтган "STILFIL-PLYUS" МЧК (СТИР 300562084) тугатилади. Даъволар 916-35-32 тел. рақами орқали қабул қилинади.

"OMAD TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли автомобилларга шаҳар ва шаҳар атрофида ва шаҳарлараро юк ташиш учун берилган қуйидаги лицензия варақалари:

1	MANTGS19.400	01V691TA	2132555
2	KOGELSN24	014353AA	2132556
3	ГБАСПГЗил130В1	01T045XA	2073675, 2073677
4	ОДА39958	016825AA	2073676, 2073678
5	КАМА35410	10F081FA	2091735
6	ОДА39370	102486AA	2091736
7	КАМА35410	01U308LA	2005007
8	ТЦИМ1-20	012886AA	2005008

йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти жамоаси кимё саноати корхоналарида узоқ йиллар давомида фаолият юритган меҳнат фахрийси **Мўмин АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги жамоаси агентлик лойиҳа раҳбари ўринбосари Олег Лига падари бузруквори **Валерий ЛИ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 994-57-08;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 644-44-11;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-113, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21805 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.10

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12 456